

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун чиқарувчининг ён дафтарига

Фуқароларнинг, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг негизини ташкил қилади.



КИЧИК БИЗНЕС: ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Апрель ойининг бошларида Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес мажмуасининг мажлислар залида ўтказилган халқаро давра суҳбати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ҳамда улар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бобида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқишга бағишланди. Республика Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Олий ҳўжалик суди, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда, БМТТД ваколатхонаси ва Ўзбекистондаги Фридрих Эберт номидаги Жамғарма қўллаб-қувватлаши билан ташкил этган тадбирда судьялар, адвокатлар, прокуратура, солиқ органлари, ССП вакиллари, тадбиркорлар, ОАВ ходимлари ва чет эллик экспертлар иштирок этдилар.

Тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бобида эришилган шубҳасиз ютуқларни қайд этган ҳолда нотиклар муаммолар ҳақида ҳам сўзладилар.

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг муҳимлигини таъкидларкан, Савдо-саноат палатаси муҳокамага тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир таклифларини тақдим этди. **Ўзбекистон ССПнинг юридик экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Улугмурод ЭРНАЗАРОВ** шулар ҳақида сўз юритди.

ССП таклифлари тадбиркорлар билан ишлашнинг амалий тажрибасига асосланган. Палатанинг 2011 йилдаги фаолиятини таҳлил қилиш давомида қонун йўли билан ҳал қилишни талаб қиладиган айрим муаммоли жиҳатлар аниқланди.

1. ССП ўзининг аъзолари манфаатларини қўлаб қиритган давволарнинг кўпчилигини банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган, кредит шартномаларига доир қарзларни ундириш бўйича низолар ташкил қилади. Тижорат банкларига кредит бериш тўғри-

сида ариза билан мурожаат қилган тадбиркорлар муайян муддатга мўлжалланган бизнес-режа тақдим этадилар. Тижорат банклари эса мазкур аризаларни кўраётганда ўз шартларини қўйиб, қисқарок муддатга кредит берадилар, бу билан бизнесменларнинг уни сўндириш шартларини бузиши эҳтимоли ортади. Масалан, ҳўжалик субъекти сўндириш муддати 15 йил бўлган 100 млн сўм кредит олиш учун мурожаат қилади. Тижорат банки аризани кўриб чиқиб, бундай узоқ муддатга кредит бериш мумкин эмаслигини айтиб, уни 5 йилга қисқартиришни таклиф қилади. Шу тариқа, банклар тадбиркорларни бизнес-режани тузиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашга тўғри йўналтириш ўрнига кредит шартномаси шартларини бажара олмайдиган ҳолатга тушириб қўядилар.

Бундай битимлар тузилишига йўл қўймаслик учун ССП **уларга асоратли битим оқибатларига нисбатан Фуқаролик кодексининг 123-моддаси қоидаларини қўллаш** масаласини кўриб чиқишни таклиф қилди.

2. Назорат органлари ўтказадиган текширишлар бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Шу билан бирга амалиётда «назоратчилар» ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш сифатида «рейдлар»ни кенг қўллайдилар.

Бироқ текширишларнинг мазкур тури «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилмаган. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида «назорат тартибда текширишлар»га йўл қўйилади, улар етарлича аниқ-равшан тартибга солинмаган.

Ушбу далилларни ҳисобга олган ҳолда Савдо-саноат палатаси **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга рейдлар ва назорат тартибдаги текширишларни тартибга солишни назарда тутадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш** масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Назорат органлари ҳўжалик субъектларининг ХХТУТ кодларини мустақил равишда белгилайдиган ҳоллар учраб туради. Бироқ Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 30-бандига мувофиқ ХХТУТ кодини рўйхатга олиш органининг масъул ходими ариза берувчи тақдим этган ҳуж-

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 17 апрель ҳолатига кўра тақдим этилаётган ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида та-нишиб чиқишингиз мумкин.



ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Маҳаллий маиший техника ишлаб чиқаришнинг ишлаб турган қувватларини кенгайтиришга, оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни истеъмол кредити сифатида беришга ва хотин-қизлар меҳнатининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 1.04.2012 йилдаги 111-сон қарори билан 2012—2014 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан электр-маиший техника ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари тасдиқланди.**

Чунончи, параметрларга биноан «SINO» ОАЖ 2012 йилда 33,5 мингта, 2013 йилда – 35 мингта ва 2014 йилда 40 мингта совуткич, «STA-PLAST» МЧЖ эса тегишинча 1,5; 1,5 ва 1,5 мингта кир ювиш машиналари ишлаб чиқариши керак.

Қарор билан Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 2012—2014 йилларда электр-маиший техника товарлари сотиб олиш учун аҳолига ажратиладиган истеъмол кредитларининг прогноз параметрлари маъқулланди.

Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, шунингдек тижорат банклари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг кредитлари ҳисобига 2012 йилда аҳоли пунктлари бўйича қуриладиган яқка тартибдаги уй-жой қурилиши мавзеларида жамоа бўлиб фойдаланиладиган қирхоналар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш назарда тутилмоқда. Чунончи, Бухоро вилоятида – 4 та, Жиззах вилоятида – 5 та, Қашқадарёда – 10 та, Навоий вилоятида эса 12 та қирхона қурилиши режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига 1 ой муддатда аҳоли пунктлари бўйича қуриладиган яқка тартибдаги уй-

жой қурилиши мавзеларида ташкил этиладиган қирхоналарнинг манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, кир ювиш хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун зарур бўлган кир ювадиган машина-автоматлар ва бошқа технологик асбоб-ускуналарни харид қилиш учун ташкилий масалалар ҳал этилиши ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар берилиши учун зарурий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вази-фалар ижро этилиши мақсадида тижорат банклари зарур технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун махсус кредит линиялари очишлари лозим. Бунда ажратиладиган истеъмол кредитларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкалари белгиланади.

Аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш механизмининг соддалаштириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ЭКИХнинг 50 барава-ригача миқдордаги кредитни 3 йилгача бўлган муддатга расмийлаштириш учун фақат паспортнинг нусхаси, иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тақдим этиш, шунингдек кредит бўйича таъминлаш, шу жумладан учинчи шахсларнинг кафилигида таъминлашнинг ўзи етарли.

Шунингдек паспорт нусхаси, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва корпоратив мижознинг ўз ходимлари мажбуриятлари бўйича кафилиги тақдим этилган тақдирда расмийлаштирилган ҳолда жисмоний шахслар — банкнинг корпоратив мижозлари ходимларининг сўмдаги микропроцессор пластик карточкалари бўйича овердрафт* бериш тартибини регламентлайдиган ички норматив ҳужжатни тасдиқлаш ҳам режалаштирилган.

Ҳужжатга қисқа шарҳни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

*Овердрафт (ингл. «overdraft» – режадан ортик) – ҳисобрақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаганда юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорга нақд пулсиз шаклда бериладиган қисқа муддатли банк кредити.

КИЧИК БИЗНЕС: ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ

1-бетда

жатлар асосида беради.

Тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг асосий фаолият тури ва унда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ўзгарганда, бу эса КТЯДРда ўзгаришлар бўлишига ҳам олиб келади, статистика органлари такдим этиладиган йиллик статистика ҳисоботи асосида тегишли ўзгартиришларни мустақил равишда киритадилар ва бундан рўйхатга олиш органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва тадбиркорлик субъектларини хабардор қилдилар. Натижада солиқ органлари солиқлар ва бошқа умуммажбурий тўловларни қўшимча ҳисоблаб ёзадилар, зеро корхоналардаги ходимлар сони, уларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритиш ХХТУТ кодиди ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қўшимча ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун назорат органлари кўпинча «ҳисобрақамдаги пул маблағларига банд солиш (хатлаш)», «ҳисобрақамга банд солиш», «ҳисобрақам бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш», «ҳисобрақамни блоктировкалаш», «ҳисобрақамни музлатиш» сингари чоралардан фойдаланадилар. Ҳолбуки ушбу чоралар доим ҳам юридик асосга эга бўлавермайди. Уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар учун оқибатлари эса гоёта жиддий бўлади. Юридик шахснинг ўз ҳисобрақамда бўлган маблағларни тасарруф қилиш ҳуқуқи чекланади, бунда уларни ваколатли учинчи шахслар (асосан давлат органлари) тасарруф этадилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун билан белгиланган ҳуқуқлари бузилишларига йўл қўймаслик мақсадида, Палата вакилларининг фикрича, **бугунги кунда мавжуд бўлган, хўжалик юритувчи субъектларни ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилиш амалиёти танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, тадбиркорларга нисбатан суддан ташқари таъсир кўрсатиш чораларини қўллашдан уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш** гоёта муҳимдир.

3. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ республикада низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий база яратилган. Бироқ ўтган йиллар ичида (Ўзбекистонда дастлабки ҳакамлик суди 2002 йилда ташкил этилган) ҳакамлик судлари етар-

лича ривожланмади. Ҳакамлик судлари ишларни кўриш амалиётини янада оммавийлаштириш учун ССП куйидагиларни кўриб чиқишни таклиф қилди:

• **ҳакамлик судларига даъволарни таъминлаш чораларини мустақил равишда қўллаш ҳуқуқларини бериш имкониятини.** Амалдаги қонунчилик («Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси) ҳакамлик судининг даъвои таъминлаш чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрим ваколатли давлат суди томонидан тасдиқланишини назарда тутди;

• **ижро варақасини бериш тўғрисида ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг аризаларини ҳакамлик суди қарори асосида соддалаштирилган тартибда – суд буйруғи тартибда кўриб чиқиш имкониятини.** Бунда мазкур аризалар муайян муддатда, масалан, 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқиладиган ва улар бўйича тегишли ажримлар қабул қилинадиган қонунчилик билан белгилаш таклиф қилинади;

• юқорида айтилганидек, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий бажаришга ижро варақаларини беришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши муносабати билан – ариза берилганда тарафлар томонидан тўланадиган давлат божи миқдорини камайтиришни.

4. Палата аъзолари фойдасига чиқарилган суднинг ҳал қилув қарорлари бажарилишининг тахлили бунинг учун мўлжалланган механизмларнинг қониқарсиз ҳолатдалигини кўрсатди. «Doing business 2011» Жаҳон банки тадқиқотларининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш таомили ўртача 105 кунгача давом этади. (Шуни қайд этиш лозимки, мазкур тадқиқотлар суд ишларини юритиш соҳасидаги маҳаллий мутахассислар орасида сўров ўтказиш йўли билан амалга оширилади). Бунинг оқибатида тадбиркорлик субъектларида низонинг суд томонидан кўрилиши самарадорлигига ишонч даражаси пасаяди. ССП вакилларининг ҳисоблашларича, **мазкур муддатни суднинг ҳал қилув қарорларини бажариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўли билан қисқартириш чораларини кўриш зарур.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҳакамлик судлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар тўғрисида **Ўзбекистон**

ҳакамлик судлари уюшмасининг ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш бошқармаси бошлиғи Дониёрбек ИБРОҲИМОВ гапириб берди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, низоларнинг ҳакамлар томонидан муҳокама қилиниши тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган ихтилофли вазиятларни ҳал қилишнинг энг таъсирчан усулларидан бири ҳисобланади. Умумий юрисдикция судлари билан бир қаторда низоларнинг айрим турларини ҳал қилишга ихтисослашган судларни барпо этиш ва уларнинг фаолият юритиши зарурлиги ана шу билан изоҳланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун етарлича ҳуқуқий база барпо этилганлигига қарамай, уларнинг ҳуқуқларини муқобил усуллар, хусусан, ҳакамлар муҳокамаси йўли билан ҳимоя қилиш бобидаги қонунчилик, Д.Иброҳимов қайд этганидек, таҳлил асосида чуқурроқ ўрганиш ва такомиллаштиришга эҳтиёж сезади.

1. Ягона статистик базанинг мавжуд эмаслиги туфайли ҳакамлик судлари институтининг ривожланиш тамойиллари ва динамикасини, суд ишларини юритиш ва ҳакамлик муҳокамасининг ижобий ёки салбий амалиёти аниқлаш, ҳакамлик судлари фаолияти мониторингини юритиш ва улар ишининг сифатини баҳолаш имкони йўқ.

Шу сабабли **процессуал меъёрларда давлат судлари томонидан ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришдан бош тортиш, ҳакамлик судларининг қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақасини бериш ва ушбу ҳал қилув қарорларини қабул қилган ҳакамлик судларига ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақасини беришдан бош тортиш тўғрисида ажримлар нусхалари юборилишини назарда тутадиган тартибни қонун йўли билан белгилаш** таклиф қилинди.

Ушбу маълумотларни ҳакамлик судлари адлия органларига такдим этиладиган чораклик ҳисоботларда акс эттирадилар, кейин эса адлия органлари томонидан ушбу маълумотлар жамланади, шунда умумий статистика шаклланади.

Ёки, Ўзбекистон ҳакамлик судлари уюшмаси ёхуд Савдо-саноат палатаси республиканинг барча минтақаларида ваколатхоналарга эгалигидан фойдаланиб, давлат судлари ажримларининг нусхалари ёки улар тўғрисидаги маълумотларни бевосита Уюшманинг (Палатанинг) минтақавий бўлимларига йўналтиришни ташкил қилиш керак, сўнгра Уюшма (Палата) умумлаштирган статистика адлия органларига ёки бошқа тегишли давлат органига такдим этилади.

2. Сир эмаски, давлат судлари зиммасида каттагина юк бор. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига такдим этиладиган даъволарнинг кўпчилигини салмоқли миқдордан ошмайдиган суммалардаги даъволар ташкил этиши ва давлат ёки учинчи шахсларнинг манфаатларига дахл эмаслигини, шунингдек айни шундай даъволар кўпинча хўжалик судларининг иши кўпайишига сабабчи бўлишини ҳисобга олиб, ҳакамлик судлари институтининг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Д.Иброҳимов **процессуал қонунчиликка «агар тарафлар бошқа қоида тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган, уларни ҳакамлик муҳокамасида ҳал қилиш қонун билан тақиқланмаган, даъво нархи энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан кам бўлган мулк тусдаги даъво аризалари ҳакамлик судида кўрилиши кераклиги»ни назарда тутадиган меъёр киритилиши** имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

3. Ҳакамлик муҳокамаси амалиётида кўпинча ҳакамлик судининг кўриб чиқишига берилган низони ҳал қила олиши масаласи юзага келади. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида белгиланишича, «ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал қилади.

Ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди».

«Қонунда назарда тутилган бошқа низолар» формулировкаси мавҳум бўлиб, ушбу меъёрни турлича тушунишга олиб келади. Чунинчи, кўп ҳолларда ҳакамлик судлари, маъмурий, оила ва

меҳнат ҳуқуқий муносабатларига тааллуқли бўлган ва давлат бошқаруви органлари иштирок этган низолардан ташқари, турли низоларни ҳал қилишда чекловларни кўрмайдилар ёки кўришни хоҳламайдилар. Давлат судлари эса, аксинча, кўчмас мулк, корхоналардаги акциялар ва улушлар, автотранспорт воситалари ва ҳоказоларга тааллуқли низоларни ҳал қилишда ҳакамлик судини ваколатсиз деб ҳисоблайдилар.

Бундай ихтилофларни бартираф этиш учун **мазкур меъёрни кенгайтириш, ҳакамлик суди ҳал этмайдиган низолар доирасини аниқ белгилаш ёки ҳакамлик суди ҳал этадиган масалаларнинг батафсил рўйхатини аниқ-равшан белгилаш ва уни кенгайтириб талқин қилишни тақиқлаш** зарурлигига эътиборни қаратиш таклиф қилинди.

4. Айниқса хўжалик субъектлари ўртасидаги муайян низони ҳал этиш учун баъзан тафтиш экспертиза (товаршунослик, баҳолаш, курилиш-техник ва бошқа) ўтказиш зарур бўлади. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунга биноан эксперт ва таржимонларга тўланадиган суммалар низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатлар таркибига киритилган. Шу тариқа, ҳакамлик муҳокамаси давомида экспертиза ўтказиш имконияти билвосита кўрсатилган, бироқ ҳакамлик судларининг экспертиза ёки тафтиш тайинлаш ҳуқуқи Қонунда тўғридан-тўғри белгиланмаган. Мазкур ҳолат шунга олиб келадикки, биринчидан, ҳакамлик судининг экспертиза тайинлашга қонуний ҳуқуқи бош-йўқлиги, иккинчидан, эксперт ташкилотлари (экспертлар) томонидан ҳакамлик суди ажримини ижро этиш бўйича муайян мажбуриятининг йўқлиги тўғрисида саволлар туғилади.

Д.Иброҳимов давра суҳбати иштирокчиларининг эътиборини **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларга ҳакамлик судининг ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг розилиги ва ҳисобидан экспертиза ва тафтиш тайинлаш ҳуқуқини белгилайдиган меъёрлар киритиш** зарурлиги масаласига қаратди.

5. Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва унинг ҳал қилув қарорига ижро варақасини беришдан

7-бетда

УШБУ
СОҲДА:

✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИНING ЁН ДАФТАРИГА

- Кичик бизнес: ҳимояланиш ҳуқуқи **1-2, 7-бетлар**
- ✓ **ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни такдим этамиз **1-бет**
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

- «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»;
- «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини

яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

3-6-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

- Жамият иштирокчисининг улуши бошқа шахсга ўтиши мумкин **7-бет**
- ✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
- Ишдан бўшатиб бўлмади, ўтказиш керак **8-бет**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»;
- «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАХСЛАР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ТОИФАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 16-сон, 179-модда)

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан доимий прописка қилиш ва (ёки) уй-жой сотиб олиш юзасидан илгари берилган ва амалга оширилмаган рухсатномалар 2012 йил 15 мартгача амал қилиши белгилаб қўйилсин.

3. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассисларга ва тор ихтисосдаги мутахассисларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш учун асосланмаган илтимосномалар берганлиги, шунингдек ушбу шахсларнинг лавозимдан озод қилинганлиги, бошқа ишга ўтганлиги ёки пенсияга чиққанлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бермаганлиги учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

Юқори малакали мутахассисларни ва тор ихтисосдаги мутахассисларни ишга тақлиф этишда хизмат турар жойи бериш амалиётини кенг қўллаш тавсия этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов):

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш, шунингдек чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш масалалари қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда кўриб чиқилиши юзасидан назоратни таъминласин;

2012 йил мобайнида мазкур қарор нормалари амал қилишининг доимий мониторингини ва таҳлилини таъминласин, шунингдек ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий (вақтинча) прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Адлия вазирлиги (Н.Йўлдошев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2012 йил 16 февраль
41-сон.

ЎзР ВМнинг
2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарорига
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ВА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда фуқаролар деб аталади) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Фуқароларни доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент

шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши ёки вақтинчалик бўлиши фактини аниқлашни назарда тутди.

II. ФУҚАРОЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3. Фуқароларни доимий прописка қилиш «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунига (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

4. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун фуқаро Рўйхатда назарда тутилган тоифага кўра Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда Ички ишлар вазирлиги деб аталади) томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (кейинги ўринларда паспорт деб аталади);

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицери-нинг шахсий гувоҳномаси (казармалар, қорабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

эр-хотиннинг амалда яшаган жойида уларнинг камида бир йил биргаликда яшаганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва профилактика инспектори томонидан имзоланган маълумотнома;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда лавозимга тайинланганлик, тасдиқланганлик, сайланганликни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари;

давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганликни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхалари;

давлат ҳокимияти тегишли органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти (кейинги ўринларда орган ва ташкилот деб аталади) раҳбарининг ишга таклиф этилаётган шахснинг (юқори малакали мутахассислар ва тор ихтисосдаги мутахассисларнинг) ишончилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма. Бунда ушбу Низом мақсадлари учун республика аҳамиятига молик давлат ташкилотлари деганда уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тартибга солинадиган давлат ташкилотлари тушунилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган турар жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

прописка учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

5. Ушбу Низом 4-бандининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлар органлар ёки ташкилотларнинг кадрлар хизматлари томонидан расмий алоқа йўллари орқали фуқаро вақтинча яшайдиган (ёки яшашни мўлжаллаётган) жойдаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборилади.

6. Органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ушбу орган ёки ташкилотнинг илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пропискага эга бўлган шахс ишдан озод қилинган, бошқа ишга ўтган ёки пенсияга чиққан тақдирда икки кун муддатда шахс охириги доимий пропискадан ўтган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlарини хабардор қиладилар.

Орган ва ташкилот раҳбарининг билдиришномаси асоси-

да туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари, агар ушбу фуқарода доимий прописка учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, фуқарони белгиланган тартибда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан илгариги яшаш жойига ёки фуқаронинг аризасига кўра бошқа минтақага пропискадан чиқаради. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан пропискадан чиқишдан бош тортган тақдирда доимий прописка белгиланган тартибда бекор қилинади.

7. Рўйхатнинг 1-бандига «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган турар жойга эга бўлган фуқаролар, шунингдек мерос бўйича, суднинг қарорига кўра ҳамда ушбу Низомга мувофиқ турар жой олган фуқаролар киради.

Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Рўйхатнинг 2–5-бандлари асосида прописка қилинадилар.

8. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, алмаштириш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган;

Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий пропискани борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

9. Тошкент вилоятида олди-сотди битимларини, алмаштириш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон:

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар органининг доимий пропискани борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

10. Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий пропискага эга бўлмаган ҳолда ички ишлар органининг расмий алоқа йўллари орқали тегишли давлат нотариал идорасига юбориладиган доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисида ички ишлар органининг маълумотномаси асосида турар жой сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунинг учун шахсларнинг ушбу тоифасига кирадиган фуқаро туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига мурожаат қилади ва ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

11. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва ҳақиқийлигини текширади ҳамда фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда фуқарога белгиланган тартибда доимий пропискани расмийлаштиради.

Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқароларнинг Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш тўғрисидаги мурожаати асосида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари расмий алоқа йўллари орқали тегишли давлат нотариал идорасига маълумотнома юборади.

Тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, шунингдек Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбакилаштирилган тақдирда доимий прописка ички ишлар органи томонидан бекор қилиниши, кейинчалик материаллар тергов органига юборилиши керак.

III. ФУҚАРОЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

12. Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш (кейинги ўринларда ҳисобга олиш деб аталади) фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан олти ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун – ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

Ҳисобга кўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

13. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

14. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобда туриш учун фуқаро келган кундан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги милиция таянч пунктига кўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳнома-си ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицери-нинг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

ҳисобга олинганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

15. 16 ёшга тўлмаган шахсни ҳисобга олишни расмийлаштиришда ушбу шахснинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) зиммасига юкланади.

16. Милиция таянч пунктининг профилактика инспектори ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан ва белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин ўша куннинг ўзида ариза берувчига ушбу Низомга 1, 1а, 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга қайд варағи (кейинги ўринларда ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи деб аталади) беради.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган, қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

Ариза берувчининг паспортида ва турар жойнинг уй дафтарида (прописка карточкасида) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.

17. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳисобга кўйилган фуқаро ҳисобга олиш жойида яшаши керак.

18. Таълим муассасасига ўқишга келган фуқаролар милиция таянч пунктининг профилактика инспектори томонидан ўқиш даври учун ҳисобга олинади.

Ўқиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлатилган тақдирда ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқарони вақтинча турган жойида ҳисобга олишни расмийлаштирган милиция таянч пунктини хабардор қилади.

Таълим муассасаси раҳбариятининг билдиришномаси асосида милиция таянч пункти ҳисобга олишни бекор қилади ва ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи олиб қўйили-

шни таъминлайди.

19. Охириги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масалаларини кўриб чиқиш Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро милиция таянч пунктига ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан ва белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин милиция таянч пунктининг профилактика инспектори ўша куннинг ўзида уларни туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига юборади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими уч кун муддатда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини текширади ҳамда ўрганиш якунлари бўйича ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобга олишни такроран расмийлаштиришнинг мақсадларини ва ариза берувчининг олдинги ҳисобга олиш давридаги фаолияти турини, шунингдек турар жой майдони берадиган шахслар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тайёрлайди.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бир сутка мобайнида кўриб чиқилган материалларни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасига юборади. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг ва Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бир сутка мобайнида ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларни компьютер базасига киритади ва туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимининг маълумотномасини ўрганиб, материалларни Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармасига юборади.

Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси материалларни уч кун муддатда кўриб чиқиб, ҳисобга олишни такроран расмийлаштиришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бир сутка мобайнида Ички ишлар бош бошқармаси (Ички ишлар бошқармаси)нинг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Ички ишлар бош бошқармаси (Ички ишлар бошқармаси)нинг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бир сутка мобайнида Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармасининг қарорини ижро этиш тўғрисидаги кўрсатмани тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига юборади. Ички ишлар туман (шаҳар) бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бир сутка мобайнида ушбу кўрсатмани милиция таянч пунктининг профилактика инспекторига етказилади.

Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармасининг қарори ижобий бўлган тақдирда милиция таянч пункти бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ва белгиланган тартибда фуқарога ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини такроран беради, қарор салбий бўлган тақдирда эса – ушбу қарорни ариза берувчига етказилади ҳамда уни ички ишлар органи томонидан белгиланадиган муддатда Тошкент шаҳридан ва Тошкент вилоятидан чиқиб кетиш мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

20. Ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи йўқолган ёки бузилган тақдирда фуқаро тегишли милиция таянч пунктига ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш тўғрисидаги аризани тақдим этади.

Милиция таянч пунктининг профилактика инспектори кўрсатилган турган жойида ушбу фуқаронинг ҳисобга олиниши тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда ариза берувчига ўша куннинг ўзида ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағининг дубликатини расмийлаштиради.

21. Милиция таянч пунктининг профилактика инспектори ариза берувчига ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағи берилгандан кейин ҳисобга кўйилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни (кейинги ўринларда фуқарони ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумот деб аталади) Ички ишлар вазирлиги

белгилаган шаклдаги милиция таянч пунктнинг компьютер маълумотлар базасига киритади.

Милиция таянч пунктнинг профилактика инспектори фуқарони Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш тўғрисидаги келиш варақасини тўлдиради ҳамда бир сутка мобайнида уларни фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига юборади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга уйларининг масъул шахслари бир кеча-кундуз мобайнида ушбу муассасаларга келган фуқароларнинг келиш варақаларини Ички ишлар бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига юборади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими олинган келиш варақалари ва фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотларни Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига юборади. Бир вақтнинг ўзида фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар компьютер маълумотлар базасига киритилгандан кейин уларни реал вақт режимида маълумотларни узатишнинг идоравий тармоғи бўйича Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг марказий маълумотлар базасига юбори-ди.

Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳар ойда маълумотларни узатиш идоравий тармоғи бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга қўйилган фуқароларнинг рўйхатларини (электрон шаклда) кейинчалик ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳудудий бўлинмаларига бериш учун доимий яшаш жойидаги Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тегишли хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборади.

22. Милиция таянч пунктнинг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадilar.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

23. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

24. Органлар ва ташкилотлар раҳбарлари доимий пропискани расмийлаштириш масаласи бўйича ички ишлар органига юбориладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавоб берадилар.

25. Турар жой бўлмаган биноларга фуқароларни доимий прописка қилиш ва ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади.

26. Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган ёки ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

27. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎзР ВМнинг

2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарорига
2-ИЛОВА

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧА ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш, шунингдек бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан доимий яшаш учун рухсатномалар олиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг нормалари қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча прописка қилинишдан озод этилган шахсларга, шунингдек чет эл фуқароларига – хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек бошқа давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида шахсларнинг доимий яшаши ёки муайян жойда вақтинча бўлиши фактини аниқлашни назарда тутаяди.

II. БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА КЕЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН РУХСАТНОМА ОЛИШ ТАРТИБИ

3. Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган

шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича 2 нусхада ариза-анкета;

хорижий фуқаронинг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси, шунингдек уй-жой учун ҳужжатлар нусхалари;

никоҳ тузилганлиги ёки боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йиғим тўлангани тўғрисидаги квитанция;

35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат.

4. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими икки ҳафта муддатда ҳужжатлар ўрганилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин уларни Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборади, улар уч иш кўни мобайнида ҳужжатларни, ариза берувчининг, таклиф этаётган шахсларнинг шахсини текширадilar ва материалларни тегишли ваколатли органга юборадilar.

5. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-

келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ўн кун муддатда хулоса тайёрлайдилар ва материалларни якуний қарор чиқариш учун Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юбордилар.

Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини, зарурият бўлганда эса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хулосасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

6. Ички ишлар вазирлигининг ижобий қарори бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига (кейинги ўринларда яшаш гувоҳномаси деб аталади) белгиланган тартибда расмийлаштириш ва бериш учун асос ҳисобланади.

Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Ички ишлар бош бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси ёки Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилиниши мумкин.

Бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат бериш рад этилган тақдирда ҳужжатлар уч иш куни мобайнида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қайтарилади, у бир сутка мобайнида ушбу қарорни ариза берувчига етказилади.

7. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига прописка қилиш ва пропискадан чиқариш тартиби мавжуд бўлган бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсат олишгандан кейин пропискадан чиққанлик (кейтиш варақаси) фактини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни ёки бундай тартиб йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этадилар.

III. РЕСПУБЛИКАНИНГ БОШҚА МИНТАҚАЛАРИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА КЕЛГАН ҲАМДА ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ДОИМИЙ ПРОПИСКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

8. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискани расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

яшаш гувоҳномаси;

уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розиллиги);

никоҳдан ўтганлик ёки болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

прописка қилинганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

9. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бир сутка мобайнида ҳужжатлар ўрганилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин уларни Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ҳамда Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юбордилар, улар уч иш куни мобайнида ҳужжатларни, ариза берувчининг, таклиф этаётган шахслар-

нинг шахсини текширадилар ва ҳужжатларни тегишли ваколатли органга юбордилар.

10. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ўн кун муддатда хулоса тайёрлайдилар ва ҳужжатларни якуний қарор чиқариш учун Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юбордилар.

11. Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

12. Ички ишлар вазирлигининг ижобий қарори республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор Ички ишлар бош бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси ёки Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилиниши мумкин.

Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий прописка қилиш рад этилган тақдирда ҳужжатлар уч иш куни мобайнида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қайтарилади, у бир сутка мобайнида ушбу қарорни ариза берувчига етказилади.

IV. РЕСПУБЛИКАНИНГ БОШҚА МИНТАҚАЛАРИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА КЕЛГАН ҲАМДА ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИГА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ВАҚТИНЧА ПРОПИСКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

13. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш, доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан, келинган жой бўйича уч кундан олти ойгача бўлган муддатга амалга оширилади ҳамда Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида уй-жой сотиб олиш, шунингдек доимий иш ва ижтимоий кафолатлар олиш учун асос ҳисобланмайди.

14. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш улар келгач, ушбу муассасалар маъмурияти томонидан, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

15. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча прописка олиш учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган кунидан бошлаб уч кун муддатда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси ёки ҳаракатланиш ҳужжати;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома – 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

уй-жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розиллиги);

прописка қилинганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

16. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими хужжатлар ўрганилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин бир сутка мобайнида, яшаш гувоҳномасига тегишли белги қўйган ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча пропискани расмийлаштиради.

17. Таълим муассасаларига ўқиш учун республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, истиқомат учун берилган гувоҳномага эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш ўқиш даври учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан амалга оширилади. Улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ташқарисига жойлашган бошқа таълим муассасасига ўтказилган, академик таътил олган ёки таълим муассасасидан чиқарилган ҳолларда мазкур муассасалар маъмурияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу тўғрида вақтинча келинган жой бўйича вақтинча пропискани расмийлаштирган туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимини хабардор қилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими таълим муассасаси раҳбариятининг хабарномаси асосида вақтинча пропискани бекор қилади.

18. Охирги вақтинча прописка расмийлаштирилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида вақтинча пропискани такрорий расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган хужжатларни тақдим этадилар.

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек хужжатлар белгиланган тартибда ўрганилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими шу куннинг ўзида уларни Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига, Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборади.

Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими уч кун муддатда хужжатларнинг тўлиқлигини ва ишончлилигини текширадилар ҳамда ўрганиш якунларига кўра ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар, вақтинча пропискани такрорий расмийлаштиришнинг мақсади ва ариза берувчининг олдинги вақтинча пропискани давридаги фаолияти тури, шунингдек турар жой майдони бераётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотномани тайёрлайдилар.

Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бир сутка мобайнида материалларни Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборадилар.

Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бир ҳафта муддатда материалларни кўриб чиқиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳар бир аризаси бўйича вақтинча пропискани такрорий расмийлаштиришга рухсат бериш ёки уни рад этиш тўғрисида асосланган хулосани тайёрлайди ва бир сутка мобайнида Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасини, Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимини қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади.

Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда Ички ишлар бошқармасининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароларни расмийлаштириш бошқармасининг қарорини ижро этиш тўғрисидаги кўрсатмани

бир сутка мобайнида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборадилар.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг қарори ижобий бўлган тақдирда бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ҳамда чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга вақтинча пропискани белгиланган тартибда такрорий расмийлаштиради, қарор салбий бўлган тақдирда эса – ушбу қарорни ариза берувчига етказди ҳамда уни ички ишлар органи томонидан белгиланадиган муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан жўнаб кетиши мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

19. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ариза берувчининг вақтинча пропискани расмийлаштирилгандан кейин шу куннинг ўзида Ички ишлар бош бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг келиш варақаларини юборади, шунингдек уларнинг рўйхатларини (электрон тарзда) тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига беради.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг масъул шахслари бир сутка мобайнида Ички ишлар бош бошқармасининг манзил-маълумотнома бюросига ушбу муассасаларга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг келиш варақаларини юборадилар.

20. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими олинган рўйхатларни милиция таянч пунктининг маълумотлар компьютер базасига тегишли ахборотни киритиш ва ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режимига риоя этилишини назорат қилиш учун ички ишлар органининг тегишли профилактика инспекторларига беради.

21. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими вақтинча прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни маълумотларнинг компьютер базасига киритишни амалга оширади, маълумотлар аниқ вақт режимида маълумотларни узатиш идоровий тармоғи орқали Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси маълумотлар марказий базасига берилади.

22. Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳар ойда, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхати маълумотларини (электрон тарзда) идоровий тармоқ орқали, кейинчалик ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳудудий бўлинмаларига бериш учун, уларнинг доимий яшаш жойи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тегишли Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига юборади.

23. Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт-виза режими қоидаларига риоя этилишини назорат қиладилар.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

25. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ёки вақтинча пропискага эга бўлмаган чет эл фуқаролари ва яшаш гувоҳномасига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаши учун камида уч кун муддатга турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб уч кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

26. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**ОИЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ
 ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
 ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 16-сон, 182-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида» 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон қарорига мувофиқ, маҳаллий маиший техника ишлаб чиқаришнинг ишлаб турган қувватларини кенгайтиришга, оилаларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни истеъмол кредити сифатида беришга ва жамоа бўлиб фойдаланиладиган кирхоналар ташкил этиш йўли билан хотин-қизлар меҳнатининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

2012–2014 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан электр-маиший техника ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2012 йилда қурилаётган якка тартибдаги уй-жой қурилиши мавзеларида жамоа бўлиб фойдаланиладиган кирхоналар ташкил этишнинг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 2012–2014 йилларда электр-маиший техника товарлари сотиб олиш учун аҳолига ажратиладиган истеъмол кредитларининг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2012–2014 йилларда электр-маиший техника ишлаб чиқаришнинг тасдиқланган прогноз параметрларини бажаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласинлар.

Белгилансинки, назарда тутилган параметрларга мувофиқ жамоа бўлиб фойдаланиладиган кирхоналар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, шунингдек тижорат банклари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда:

аҳоли пунктлари бўйича қурилаётган якка тартибдаги уй-жой қурилиши мавзеларида ташкил этиладиган жамоа бўлиб

фойдаланиладиган кирхоналарнинг манзилли рўйхатларини; кир ювиш хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун зарур бўлган кир ювадиган машина-автоматлар ва бошқа технологик асбоб-ускуналарни харид қилиш учун ташкилий масалалар ҳал этилишини ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар берилишини назарда тутувчи жамоа бўлиб фойдаланиладиган кирхоналар ташкил этишнинг тасдиқланган параметрларини амалга ошириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

6. Тижорат банклари:

кир ювиш хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун кир ювадиган машина-автоматлар ва бошқа технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун махсус кредит линиялари очиш;

ажратиладиган истеъмол кредитларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаларини белгилаш;

фақат паспортнинг нусхаси, иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдордаги кредитни 3 йилгача бўлган муддатга расмийлаштиришни амалиётга жорий этиш йўли билан аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш механизмини соддалаштириш ва такомиллаштириш, шунингдек кредит бўйича таъминлаш, шу жумладан учинчи шахсларнинг кафиллигида таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

паспорт нусхаси, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва корпоратив миқознинг ўз ходимлари мажбуриятлари бўйича кафиллиги билан тақдим этилган тақдирда расмийлаштирилган ҳолда жисмоний шахслар – банкнинг корпоратив миқозлари ходимларининг сўмдаги микропроцессор пластик карточкалари бўйича овердрафт бериш тартибини регламентлайдиган ички норматив ҳужжатни тасдиқлаш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н.Арипов ва У.У.Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
 Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
 2012 йил 17 апрель
 111-сон.

ЎЗР ВМнинг
 2012 йил 17 апрелдаги 111-сон қарорига
 1-ИЛОВА

**2012–2014 йилларда МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР
 ТОМОНИДАН ЭЛЕКТР-МАИШИЙ ТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
 ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

мингта

Т/р	Маҳсулотнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи	Ҳаммаси	Шу жумладан:		
				2012 й.	2013 й.	2014 й.
1.	Совутгичлар	"SINO" ОАЖ	108,5	33,5	35,0	40,0
		"PONTEGREYN" ХК	115,0	35,0	40,0	40,0
		"FERETTE ELECTRONICS" МЧЖ	60,0	20,0	20,0	20,0
		Ҳаммаси:	283,5	88,5	95,0	100,0
2.	Маиший газ плиталари	"Фарғона газ аппаратлари заводи" МЧЖ	6,6	2,0	2,2	2,4
		"Eko Elektron" ШК	100,0	30,0	35,0	35,0
		Ҳаммаси:	106,6	32,0	37,2	37,4
3.	Кир ювиш машиналари	"ZENITH ELECTRONIKS" МЧЖ ҚК	28,5	9,5	9,5	9,5
		"STA-PLAST" МЧЖ	4,5	1,5	1,5	1,5
		Ҳаммаси:	33,0	11,0	11,0	11,0
4.	Телевизорлар	"ZENITH ELECTRONIKS" МЧЖ ҚК	292,2	78,7	106,7	106,8
		"ФОТОН" ОАЖ	49,0	15,0	16,0	18,0
		Ҳаммаси:	341,2	93,7	122,7	124,8

T/p	Маҳсулотнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи	Ҳаммаси	Шу жумладан:		
				2012 й.	2013 й.	2014 й.
5.	Электр чангюгичлар	"White Machine Technology" МЧЖ ҚК	53,0	17,0	18,0	18,0
6.	Микротўлқинли печлар	"Neo Sun Light" МЧЖ ҚК	74,0	24,0	25,0	25,0
7.	Электр духовка	"SAM-NUR-TAFVIZ" МЧЖ ҚК	42,0	12,0	15,0	15,0
8.	Ёриткичлар	"Оникс" ОАЖ	18,0	6,0	6,0	6,0
		"DILIGHT" ҚК	165,0	55,0	55,0	55,0
		Ҳаммаси:	352,0	114,0	119,0	119,0
9.	Электр дазмол	"Ўзэлектраппарат-электрошчит" МЧЖ ҚК	42,0	14,0	14,0	14,0
10.	Кондиционерлар	"Neo Sun Light" МЧЖ ҚК	53,0	17,0	18,0	18,0
		"ZENITH ELECTRONIKS" МЧЖ ҚК	55,0	12,0	18,0	25,0
		Ҳаммаси:	150,0	43,0	50,0	57,0

ЎзР ВМнинг
2012 йил 17 апрелдаги 111-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2012 ЙИЛДА ҚУРИЛАЁТГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ
ҚУРИЛИШИ МАВЗЕЛАРИДА ЖАМОА БЎЛИБ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН КИРХОНАЛАР
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАҚСАДЛИ
ПАРАМЕТРЛАРИ**

дона

T/p	Минтақалар номи	Кирхоналар сони	Шу жумладан чорақлар бўйича		
			II	III	IV
	Ўзбекистон Республикаси	75	18	31	26
<i>шу жумладан:</i>					
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4	1	2	1
2.	Андижон вилояти	5	1	2	2
3.	Бухоро вилояти	4	1	2	1
4.	Жиззах вилояти	5	1	2	2
5.	Қашқадарё вилояти	10	3	4	3
6.	Навоий вилояти	12	2	5	5
7.	Наманган вилояти	5	1	2	2
8.	Самарқанд вилояти	4	1	2	1
9.	Сурхондарё вилояти	5	1	2	2
10.	Сирдарё вилояти	3	1	1	1
11.	Тошкент вилояти	10	3	4	3
12.	Фарғона вилояти	5	1	2	2
13.	Хоразм вилояти	3	1	1	1

ЎзР ВМнинг
2012 йил 17 апрелдаги 111-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2012-2014 ЙИЛЛАРДА ЭЛЕКТР-МАИШИЙ
ТЕХНИКА ТОВАРЛАРИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН АҲОЛИГА АЖРАТИЛАДИГАН
ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

млн сўм

T/p	Минтақалар номи	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2012-2014 йилларда ҳаммаси
	Ўзбекистон Республикаси	30 000	34 500	40 000	104 500
<i>шу жумладан:</i>					
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 200	2 500	2 800	7 500
2.	Андижон вилояти	3 000	3 500	3 900	10 400
3.	Бухоро вилояти	1 300	1 500	1 800	4 600
4.	Жиззах вилояти	800	1 000	2 200	4 000
5.	Қашқадарё вилояти	2 000	2 300	2 600	6 900
6.	Навоий вилояти	1 000	1 200	1 400	3 600
7.	Наманган вилояти	1 600	1 900	2 200	5 700
8.	Самарқанд вилояти	2 500	3 000	3 500	9 000
9.	Сурхондарё вилояти	2 300	2 500	2 700	7 500
10.	Сирдарё вилояти	800	1 000	1 200	3 000
11.	Тошкент вилояти	2 500	2 800	3 200	8 500
12.	Фарғона вилояти	3 500	4 000	4 400	11 900
13.	Хоразм вилояти	2 000	2 300	2 600	6 900
14.	Тошкент шаҳри	4 500	5 000	5 500	15 000

КИЧИК БИЗНЕС: ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ

2-бетда бош тортиш учун асослар назарда тутилган. Ушбу асосларни ўрганиш улар ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ҳам, ижро варақасини беришдан бош тортиш учун ҳам деярли бир хиллигини кўрсатади.

Амалиётда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорига ижро варақасини беришдан бош тортилса, у барибир ўз кучида қолиши ҳолатига тўқнаш келинади, чунки уни ҳеч ким бекор қилмаган.

Шу сабабли, деб қайд этди нотик, «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги Қонунда ҳам, ФПК, ХПКда ҳам, куйидаги қондан кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўларди, яъни «агар суд томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этишга ижро варақасини беришдан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ҳам назарда тутилган асослар бўйича бош тортиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ҳисобланади».

6. Ҳакамлик судларига мурожаат қиларкан, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар кўпинча кам чиқим қилишни ўйлайдилар. Масалан, Ҳакамлик судлари уюшмаси тизимининг судларида ҳакамлик йиғими давлат судларига даъво аризаси берилганда назарда тутилган давлат божи суммасининг ярмини ташкил қилади. Кўп даъволар бўйича даъво талабларининг миқдори салмоқли миқдорга етмайди, баъзан ҳатто 100 минг сўмдан

бошланади. Бундай оз миқдордаги суммалар айниқса коммунал тўловлар бўйича даъволарда кўп учрайди.

Қарздор ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий бажаришдан бош тортса, уни мажбурий ижро этириш масаласи кўйилади, бу эса давлат судларининг ваколатига киради. Мазкур ҳолда даъвогар ижро варақасини беришга ариза тақдим этишда ЭКИХнинг 2 баравари миқдоридан, бу эса бугунги кунда 125 840 сўмни ташкил қилади, давлат божи тўлаши шарт, – қонунда ҳеч кимни давлат божини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмайди. Одатда ҳакамлик судлари даъвогарларни ҳакамлик йиғимини тўлашдан озод қилган ҳолда коммунал тўловларни ундириш тўғрисидаги даъволарни кўриб чиқадилар, бироқ ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш зарурати масаласи юзага келганида, даъвогарлар (ХУМШ, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари)нинг давлат божини тўлашларига тўғри келади.

– Фикримизча, – деб таъкидлади Д.Иброҳимов, – ҳеч бўлмаса ундириладиган сумма салмоқли миқдордан ошмайдиган ёки ХУМШ ва бошқа коммунал-фойдаланиш ташкилотлари аризачи бўлган ҳолларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан давлат божи тўланишини бекор қилиш учун жиддий асослар мавжуд.

ТАДБИРКОРЛИК субъектларининг суд ҳимоясига доир

ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисидаги нутқида **Тошкент шаҳар Хўжалик судининг судьяси Дилшод ОРИПОВ** суд ҳимоясининг ҳаммабоп бўлиши ва улар фаолиятининг самарадорлигига эътиборни қаратди.

Унинг таъкидлашича, хўжалик судлари тизимида суд ҳимоясининг ҳаммабоп бўлиши ва самарадорлигини белгилайдиган омиллар орасида даъво аризаларини ўз вақтида ва рад этмасдан қабул қилиш, ишларни ўз вақтида қўзғатиш, процессуал муддатларга риоя этиш, ҳал қилув қарорларининг тўғри чиқарилиши, уларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги, суд ҳал қилув қарорлари ижросининг мажбурийлиги сингариларни кўрсатиш мумкин.

Судларнинг ихтисослашуви ҳам одил судловнинг оммабоплигига қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, **ихтисослашган маъмурий, ювенал, меҳнат, солиқ, патент, банкротлик масалалари бўйича ва бошқа судларни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш таклифи қилинди.**

РЕСПУБЛИКАДА аҳоли ва хўжалик субъектларининг банкларга ишончини оширишга йўналтирилган молия-банк тизимини ривожлантириш бўйича ўтказиладиган ислохотларнинг концепциясини ҳисобга олиб, **Марказий банк юридик департаменти бошлигининг ўринбосари Абдурашид МАҲСУМОВ** ўз нутқида банк сирини ташкил этадиган тадбиркорлик субъек-

тлари тўғрисидаги маълумотларни беришдек ноқонуний талаб учун жавобгарликни назарда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Кредитлаш пайтида мажбуриятларни ижро этишни таъминлаш соҳасида муносабатларни такомиллаштириш масаласи ҳам муҳимдир. Гаровни расмийлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида гаров таъминоти бўйича маълумотлар ягона базасининг йўқлиги боис қийинчиликлар юзага келади.

«Гаров реестри тўғрисида»ги қонунда, банк соҳаси вакилларининг фикрича, **ягона база – гаров реестрини яратишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш лозим, у гаровга қўйилган мол-мулкни, шу жумладан кўчар мулкни ҳам, ҳисобга олиш учун асос бўлиб, шунингдек гаров буюмини ноқонуний сотиш ёки учинчи шахсга беришнинг олдини олишга хизмат қилади.**

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида 2011 йилнинг биринчи ярмидаёқ хўжалик судларининг ҳал қилув қарорларини ихтисослашган нашрлар ва судларнинг веб-сайтларида албатта чоп этишни жорий этиш назарда тутилган эди.

Юқоридаги нутқларда нотиклар вакили бўлган ташкилотларнинг тажрибаси, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш йўллари акс этди. Албатта, ушбу таклифлардан сўнг қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилинганга қадар вақт ўтади. Бироқ айтилган фикрлар эътиборга молик, улар борасида мулоҳаза юритишга арзийди. Балки, давра суҳбатида айтилган фикр кўтарилган муаммолардан бирортасини ҳал қилиш йўлида бошлаш нуқтаси бўлиб хизмат қилар.

Ўз ахборотимиз.

ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ УЛУШИ БОШҚА ШАХСГА ЎТИШИ МУМКИН

Жамиятимиз 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият юритиб келади. Жамият иштирокчиси унинг устав фондидаги улушни жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва бошқа жисмоний шахсларга ўтказиши мумкинми?

Фаррух Ҳамроев, МЧЖ иштирокчиси. Зангиота тумани.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун, агар жамият уставига бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди. Яъни жамият иштирокчиси, агар жамиятнинг уставига таққиланган бўлмаса, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин (06.12.2001 йилдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-И-сон Қонуннинг 20-моддаси).

Шунингдек, жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланганга қадар бўлган

даврдан у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Жамият иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, жамият ўзининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини

ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Жамият иштирокчилари ёки жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда, улуш жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

Улушни жамият иштирокчилари улушларининг миқдорларига номутаносиб равишда сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгиловчи қоидалар жамият уставига уни таъсис этиш чоғида назарда тутилиши, жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган умумий йиғилишнинг қарорига биноан жамиятнинг уставига киритилиши, ўзгартирилиши ва жамиятнинг уставидан чиқариб ташланиши мумкин.

Жамиятнинг уставига жамият иштирокчисининг улушини сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият қолган иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилиши мумкин.

Бизнинг маслаҳатлар

Шу билан бирга, жамият устав фондидаги улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставига назарда тутилган бўлмаса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

Жамиятнинг устав фондидаги улушни олувчига жамият иштирокчисининг мазкур улушдан воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

Жамиятнинг устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жамиятнинг устав фондидаги улуш очик ким ошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, жамиятнинг иштирокчисига айланади.

Жавобни экспертими
Ғулумжон Тўлаганов

ИШДАН БЎШАТИБ БЎЛМАЙДИ, ЎТКАЗИШ КЕРАК

Меҳнат муносабатларига 4 ой бўлмасдан янги ходим бизга поликлиниканинг тиббий маслаҳат комиссияси (ТМК) маълумотномасини тақдим этди, унда ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра бошқа доимий ишга ўтказишга муҳтожлиги ва унга хизмат сафарларига чиқиш билан боғлиқ иш тўғри келмаслиги кўрсатилган эди.

Ташкилотимизда деярли ҳамма иш айнан хизмат сафарлари билан боғлиқ. Нима қилишимиз керак?

– Ходим соғлиги туфайли аввалги ишда ишлаб олмаслиги тўғрисида ҳужжатли маълумотлар олинганда иш берувчи иш жойи (лавозим)ни сақлаган ҳолда уни ишдан дарҳол четлатиши шарт (МКнинг 113-моддаси).

Агар объектив сабабларга кўра (соғлиги туфайли) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бош-

қа ишни таклиф этиши шарт (МК 92-моддасининг иккинчи қисми). Бунда ходимга у тиббий хулосага мувофиқ бажара оладиган иш таклиф қилинади (Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сон қарорининг 42-банди).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси сифатида соғлиги туфайли меҳнат фаолиятига қобил эмаслиги МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган. Тиббий хулосага мувофиқ соғлиги туфайли ходим бош-

қа ишга ўтказишларидан бош тортганда ёки иш берувчида тегишли иш бўлмаганда (бу штат жадвали билан тасдиқланади) ушбу асос қўлланади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиги туфайли бажараётган ишга мувофиқ эмаслиги муносабати билан бекор қилинганда, агар тиббий хулосага кўра иш унга тўғри келмаса, МК 102-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида огоҳлантиришсиз (камида 2 ҳафта олдин) ишдан бўшатиш мумкин. Ушбу ҳолда ходимга ишдан бўшаётганда 2 ҳафталик

иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади. Касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олиб (агар у жамоа битими ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса) (МК 101-моддаси), иш берувчи ходим билан меҳнат муносабатларини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига асосан бекор қилиши мумкин.

Шуни эслатиш лозимки, ходимга меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида уни огоҳлантиришсиз пул компенсациясини тўлаш иш берувчини меҳнат муносабатларини бекор қилганда ходимга тўланмаган бошқа тўловлардан озод қилмайди (фойдаланилмаган таътил учун компенсация – МКнинг 151-моддаси, ишдан бўшатиш нафақаси – МКнинг 109-моддаси, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ҳисоб-китоб – МКнинг 110-моддаси, МКнинг 67-моддасига мувофиқ ишга жойлашиш даврида иш ҳақининг сақланиши).

Бироқ ходим соғлиги туфайли энгилроқ ёки нохуш ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган кам ҳақ тўла-



нувчи ишга ўтказишларига рози бўлган тақдирда ўтказиш кунидан бошлаб 2 ҳафта давомида унинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади (МКнинг 218-моддаси).

Бошқа доимий ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Уни чиқариш учун асос бўлиб ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар ҳисобланади (МК 96-моддасининг биринчи қисми).

Абдусалом
РИСКУЛЛАЕ
эксперт-юристимиз.


Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

H1672

Ҳар хил турдаги вагончаларни
ишлаб чиқариш

Буюртмага асосан



096-12

Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

Эълонлар

РЕАЛИЗАЦИЯ

Совуткич камера 3600м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000 сўм).
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юрист*.
Тел. (+99897) 800-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, усуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жо-

йига чиқиш билан. Windows ўрнатиш.
Тел. 726-52-33.

Компьютерга тез ёрдам. Пул ўтказиш йўли билан ҳам. Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Вирусга қарши ҳимоя. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Исталган компьютер тармоқларини сошлаш. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Windows, дастурлар, антивирус. Пул ўтказиш йўли билан ҳам.
Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Пул ўтказиш йўли билан ҳам. Тел.: 392-63-42, 987-57-67.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

«НOMBUR-AUDIT» МЧЖ

ЎзР МВНинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

давлат улуши 50% бўлган барча
хўжалик юритувчи субъектларда

Миллий ва Халқаро аудит
стандартларига мувофиқ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз

Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро
сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига ага

Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49
Тел.: (8 373) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филiaalлар:

Нукус ш., А.Темур кўч., 120
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571

Қумқўрғон ш., А.Навоий кўч., 28
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3660

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 05.05.2012 йилдаги 5718-сонли ижро ҳужжати асосан, Бекобод шаҳар «Карвонмонтаж» ХҚда сақланаётган, «КС-53213» русумли, д/р 1109544 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 160 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 29 май кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 25 май кuni соат 18.00.

Савдога қўйилган автотототранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел. 228-79-52. Гувоҳнома N006231.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят мушаррийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Norma маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 196 Адади 3 250. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 30 апрелда соат 11.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223